ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Худойбердиев Жамшид Журабой ўғли
Самбҳрам университети НТМ

Аннотация

Бугунги кунда институционал йўналиш иқтисодиётни давлат томонидан ижтимоий назорат қилиш муқаррар эканлигини кўрсатди ва давлат томонидан фаол ижтимоий тизимни тартибга солиш концепциясини яратишга асос бўлди. Уларнинг асосий эътибори нафақат аҳоли жон бошига даромадларни ошириш, балки мутлақ ва нисбий камбағалликни бартараф этиш, тенгсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини ошириш, меҳнат ресурслари ва умуман инсон капитали сифатини оширишга эътибор қаратди.

Калит сўзлар: Камбағалликнинг иқтисодий- ижтимоий оқибатлари, Ижтимоий реестр, институционал механизмлар, инсон капитали.

Аннотация

Сегодня институциональное направление показало, что социальный контроль над экономикой со стороны государства неизбежен, и стало основой создания концепции регулирования активной социальной системы со стороны государства. Их основной упор был сделан не только на увеличение доходов на душу населения, но и на ликвидацию абсолютной и относительной бедности, сокращение неравенства, увеличение занятости, повышение качества трудовых ресурсов и человеческого капитала в целом.

Ключевые слова: Экономические и социальные последствия бедности, Социальный регистр, институциональные механизмы, человеческий капитал.

Annotation

Today, the institutional direction has shown that social control of the economy by the state is inevitable and has become the basis for the creation of the concept of regulation of the active social system by the state. Their main focus was not only on increasing per capita income, but also on eliminating absolute and relative poverty, reducing inequality, increasing employment, increasing the quality of labor resources and human capital in general.

Key words: Economic and social consequences of poverty, Social register, institutional mechanisms, human capital.

Иқтисодиётда институционал механизмлар барқарор иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиб, нафақат яқин балки узоқ истиқболда ҳам иқтисодий ўсишга шарт-шароитлар яратиб беради. Институционал механизмларнинг ривожланиши билан боғлиқ вазифалар барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи воситаларни такомиллаштиришга имконият яратиб беради.

Олимларнинг фикрича, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш йўлида банкларга институционал сармоядорларнинг, яъни ўз иш фаолиятининг хусусиятига кўра доимий ва катта миқдордаги пул маблағларига эга бўлган ҳамда уларни қимматли қоғозлар портфелига қўйилма қилишга рухсат берилган. Банклар институционал сармоядорларининг акцияларини сотиб олиб, пул маблағларини жамғариш учун қўшимча имкониятга эга бўлади. Шунингдек, мижозларнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича ўз операцияларини кенгайтиради. Банклар хусусийлаштирилаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг қимматли қоғозларини катта хажмда инвестиция қилишга қодир бўлган йирик институционал тизим ҳисобланади[94].

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида банк тизимини ривожлантиришни такомиллаштиришга асос бўлувчи бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш белгиланган, жумладан, 2023 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача, шунингдек банк ва молия йўналишларида фойда солиғи ставкаси эса 15 фоизгача туширилиши режалаштирилган. Мамлакатимиз ҳудудларида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари бўлган саноат ва инфратузилмани ривожлантириш мақсадида “Тараққиёт банки”ни ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур вазифанинг ижросини амалга оширишда Халқаро молия институтлари билан ўзаро келишувларга асосланиши ва халқаро тажрибаларни кенг ўрганиш назарда тутилади. Тараққиёт стратегиясида “Банк тизимини трансформация қилишни якунлаш, хусусий банкларнинг улушини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиш" кўзда тутилган бўлиб, бунда:– “Асакабанк”ни хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (2022 йил, июль ойигача); – “Халқ банки”, “Бизнесни ривожлантириш банки” “Микрокредитбанк”, “Агро банк”, “Ўзмиллийбанк”нинг акцияларини 2023 йилга қадар фонд биржаси орқали оммавий жойлаштириш “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (2022 йил август ойигача) кўзда тутилган.

Банк соҳасидаги тизимли ислоҳотларда молиявий барқарорликни таъминлаш учун қуйидаги чора – тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

[94]Адилов А. Миллий иқтисодиётда тижорат банкларининг институционал инвестор сифатида ролини ошириш / Аббос Адилов. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2020. № 21 (311). - С. 790-792. - URL:

- молиявий барқарорлик бўйича Халқаро валюта жамғармаси томонидан айнан молиявий барқарорлик бўйича эксперт назоратини қўллаш;

- ҳар йили тизимдаги молиявий барқарорлик шарҳини мунтазам чоп этиб бориш;

- иқтисодиётда Халқаро валюта жамғармаси кўмагида вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш ва амлиётда қўллаш.

Ҳар бир инсонга кунлик зарур бўладиган энг кам миқдордаги таъминотнинг етишмаслиги замонавий дунё давлатлари тараққиёти учун бошқа хавфлардан кам бўлмаган – камбағаллик хавфини келтириб чиқармоқда. Зеро, бунинг замирида шахс, жамият ва давлатнинг бугунги ва эртанги куни, барқарор тараққиётнинг асослари мужассам. Шу билан бирга, камбағалликни бартараф этиш, бунинг учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш амалда мамлакат тараққиётининг янги босқичга ўтишини таъминлайди. Айни вақтда, камбағалликка қарши курашиш узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, у институционал ва тизимли ёндашувни тақозо этади.

Дунёда БМТнинг маълумотларига кўра, Ер юзида 700 млн. дан ортиқ одам қашшоқликда кун кечиради. Камбағалликнинг юқори даражаси асосан турли низолар мавжуд бўлган мамлакатларга тўғри келади. Камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш БМТ кун тартибидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Бу борада ташкилот томонидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2030 йилгача камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш соҳасида институционал ва тизимли ёндашув қўлланаётганини билдиради. БМТ ва Жаҳон банки билан биргаликда “2021-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси” қабул қилинди. Мазкур стртаегияда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун ҳар томонлама комплекс ёндашув амалга оширилиб, унда қуйидаги устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, хизматларни кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали мавжуд тизимни такомиллаштириш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларини доимий такомиллаштириб бориш орқали камбағаллик даражасини янада қисқартириш механизмларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида қуйидаги бир қатор устувор вазифалар белгиланган:

1. Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, сингари қатор халқаро ташкилотлар тавсияси билан билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача камбағалликни қисқартириш стратегияси» лойиҳаси тайёрланади.

2. «Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати» ишлаб чиқилиб, бу аҳоли орасида камбағалликни қисқартириш борасида уларнинг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ўз ичига олади. Унга кўра, аҳолининг муҳтож камбағал қатламига кредитлар, ижтимоий нафақа ёки уй-жой ажратилиши, таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни назарда тутади.

3.Ҳар бир маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “хонадонбай” асосида ўрганиш, шунингдек, аҳолининг иш билан бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш орқали манзилли ишлаш тизими яратилади.

4. «Ижтимоий реестр»да «Темир дафтар»даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 250 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

5. Ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

6. Ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятини камбағалликни қисқартириш учун сафарбар этиш йўллари ишлаб чиқилади, жумладан:

- ҳудудлардаги мавжуд махсус индустриал зоналардаги лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади;
- эҳтиёжманд аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича мотивация, кўникма ва молиявий кўмак тамойили асосида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади.

7. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратишнинг янги механизмини амалиётга жорий этиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимизда аҳоли орасида камбағалликни қисқартириш ва турмуш даражасини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қуйидаги 2.2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартиришнинг ҳуқуқий асослари ва турмуш даражасини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар[95]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 5975-сон фармони	“Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги 3268-сон қарори	“Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 5975-сон Фармони	“Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги 4653-сон қарор	“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги 4797-сон қарор	“Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарор	“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”

[95]Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги 4804-сон қарор	“Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги 6208-сон фармон	“Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб–қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги 4862-сон қарори	“Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февраль 77-сон қарори	“Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июнь, ПФ-82-сон фармон	Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июнь, 93-сон фармон	“Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”

Камбағалликнинг иқтисодий оқибатлари:

- талаб ва таклиф қисқариши натижасида ЯИМ ўсиш суръатининг пасайиши, инфляция ва ишсизлик даражасининг ошиб боришига таъсир кўрсатади;

- иқтисодий инқироз ва иқтисодий қарамлик туфайли бюджет даромадлари камайиши, ташқи қарз ҳажмининг ошиши;

- халқаро рейтингда мамлакатнинг ўрнини пасайиши натижасида инвесторлар ва инвестиция киришини пасайтириши мумкин.

Шунингдек, камбағалликнинг ижтимоий оқибатлари:

- сифатли соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланмаслиги сабабли умр кўриш даражасининг қисқариши ва инсон салоҳиятининг пасайиши;

- жиноятчилик даражасининг ошиши ва алкоголизм, гиёҳвандлик;

- аҳоли орасида боқимандалик ва норозилик кайфиятининг юзага келиши ва бошқалар.

Мамлакатмизда камбағалликни қисқартириш йўналиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг олидини олиш учун уни қисқартиришнинг таъсирчан воситаларини амалиётга жорий этиш, уни ҳисоблашнинг мезон ва усулларини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар белгилаб берилган.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини аниқлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича, комплекс чора–тадбирларни амалга ошириш зарур:

- ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш тадбиқ этиш орқали таркибий ўзгаришларни қўллаб–қувватлаш

-ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали таксимлаш асосида иктисодий ривожланишнинг концептуал йўналишлари вазифаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

- инсон капиталини ривожлантириш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- камбағаллик ва даромадларнинг табақалашувини келтириб чикарувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини ва харид кобилиятини оширишни таъминлаш;

- аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. http://lex.uz.doc/4776669
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб–қувватлашга оид қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37–сон, 988–модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269–сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
4. Umirova, G. Iqtisodiyotimizni rivojlantirishda innovatsiyalarning tutgan o‘rni va ro'li //Qo‘qon universiteti xabarnomasi. – 2022. – Т. 5. – С. 64-66.
5. Umirova, G. (2022). Mamlakatimizdagi monopoliyaga qarshi kurashishning raqobat muhitini shakllantirish. *Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире*, *1*(1), 288-290.
6. Gulmira, U. (2023). Theoretical basis of management of the financial stability of the banking system. *International Journal of Advance Scientific Research*, *3*(05), 126-130.
7. Umirova, G. (2023). Tadbirkorlikni rivojlantirishda motivatsiya omillaridan foydalanishning zaruriyati. *Qo‘qon universiteti xabarnomasi*, *8*, 74-77.
8. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик/Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.– Т.:Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “ФАН” нашриёти давлат корхонаси, 2019. – 592 б.
9. Агабекян Р. Л., Баяндурян Г. Л. Институциональная экономика. Бизнес и занятость; Магистр - Москва, 2013. - 464 с.
10. Sh, U. G., & Khurmatov, B. (2024). Tijorat banklarining moliyaviy barqarorligining nazariy asoslari. *Экономика и социум*, (3-2 (118)), 401-404.
11. Umirova Gulmira. (2023). The need to attract foreign investments to the national economy on a large scale. *Academia Science Repository*, *4*(5), 314–319. Retrieved from https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/696
12. Джаббарова Ю.А. «Основные тенденции на рынке книжной продукции в Республике Узбекистан.» журнал том 3 номер 5 ст 36-40.
13. Мухтаров, Б. А., & Джамалов, У. И. (2020). ПРОГНОЗИРОВАНИЕ КОЛИЧЕСТВО ШКОЛ НА 2022 ГОД ДЛЯ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ. Устойчивое развитие науки и образования, (8), 6-11.
14. Dilshod, K., Botir, M., Bekhzodjon, S., & Yulduz, D. (2024, March). Opportunities and technologies for increasing the efficiency of the development of tourism services. In AIP Conference Proceedings (Vol. 3045, No. 1). AIP Publishing.